

3.2.2. Келиш кунидан камида 15 календарь кун и аввал хизматларни брон қилиш. "Буюртмачи" аввалдан хабар бермаган ҳолда ва (ёки) "Ижрочи" хизматлари ҳақини тўламаган ҳолда келса, "Ижрочи" унинг жойлашишига кафолат бермайди.

#### 4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. "Буюртмачи" пул маблағларини "Ижрочи" ҳисоб рақамига ўтказиш ёки "Ижрочи" кассасига киритиш йўли билан хизматлар ҳақини тўлайди. Тўлов киритилган сана бўлиб пул маблағларининг "Ижрочи" ҳисоб рақамига келиб тушиши ёки "Ижрочи" кассасига қабул қилиниши санаси ҳисобланади. 100% олдидан тўлов амалга оширилади. Йўлланмалар буюртмачи ишончномасида кўрсатилган шахсга ишончнома орқали берилди.

4.2. "Буюртмачи" томонидан тўлов "Ижрочи" томонидан ёзиб берилган ҳужжат асосида амалга оширилади.  
4.3. Кўрсатиладиган хизматлар нархи ўзгарган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, "Буюртмачи" томонидан йўлланмага олдидан ўтказилган пул маблағи учун қўшимча тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади.

#### 5. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, ҳар бир тўлов ўтказилмаган кун учун 0,4% гача миқдорда пеня тўловларини тўлайди, лекин бу пеня тўлов суммаси асосий тўлов суммасининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.2. Агар "Буюртмачи" ушбу шартнома бўйича хизматларни рад этса, "Ижрочи", қолган муддатга боғлиқ равишда, 50% гача неустойка тўланишини талаб қилишга ҳақли.

5.3. Бошқа ҳолларда тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар содир бўлса, тарафлар 5 кун ичида, шартнома шартларини аниқлаштириш мақсадида музокаралар олиб бориш учун, бу ҳақда бир-бирларини хабардор этишга мажбурлар.

#### 7. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиши, "Ижрочи" "Буюртмачи" ни хизматлар кўрсатилишининг барча шартлари тўғрисида хабардор этганлиги, "Буюртмачи" эса уларни қабул қилганлиги тўғрисида далолат беради.

Тарафлар шартнома нусхалари билан почта, электрон почта ёки факсимиль алоқа орқали алмашишлари мумкин.

#### 8. ШАРТНОМАНING АМАЛДА БЎЛИШИ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган санадан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади. Ушбу шартноманинг амалда бўлиши муддати давомида "Буюртмачи" хизматлар кўрсатилиши учун исталган миқдорда ариза бериши мумкин.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан сақланади.

#### 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

9.1. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаганда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳал этилади.

#### ТАРАФЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

МСНҲ  
"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI"

БҮЮРТМАЧИ

100039, Тошкент шҳри, Юнусобод тумани,  
Чинобод кўчаси 88а-уй  
ХАТБ «ДАВР-БАНК» Юнусобод ф-л  
х/р: 2020 8000 9052 7456 2001  
СТИР: 307 620 759 БММ: 01122  
Тел.: 307 620 759 36-36

Директор  
Мусаллам И.М.



*Мусаллам И.М.*

*Дилқомла Тувақ Зокиров*

*В.Р. Рашидов 1345*

*Юнусобод филиали*

*Давр Банк Тошкент*

*100039*

*С.М. Рашидов*

